



ХУДУДЛАР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЎСИМЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ

Анарматов Жасурбек Жандарбекович

Ўзбекистон миллий университети

мустақил тадқиқотчиси

doi[®] https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss6/a47

Аннотация. Мақолада мамлакатимиз худудларида озиқ-овқат хавфсизлиги ва унинг доимий таъминоти, жумладан, қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бўлган ўсимлик маҳсулотлари ва узумчиликни ривожлантириш, уларнинг ривожланиши жараёнлари устида статистик қузатувлар ўтказиш ва иқтисодий-статистик таҳлилни амалга ошириш, дехқон хўжалиги тармоғида ўсимчилик борасидаги асосий муаммолар ва уларни бартараф этиши бўйича ечимлар баён этилган.

Калилти сўзлар: ялпи худудий маҳсулот, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, дехқон хўжалиги, чорвачилик, таркибий ўзгаришлар, инвестиция, худуд иқтисодиёти, диверсификация, аграр ислоҳотлар.

ПРОИЗВОДСТВО И РАЗВИТИЕ РАСТИТЕЛЬНОЙ ПРОДУКЦИИ В РЕГИОНАЛЬНОМ СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ

Анарматов Джасурбек Жандарбекович

Самостоятельный соискатель

национального университета Узбекистана

Аннотация. В статье описаны продовольственная безопасность и ее бесперебойное обеспечение в регионах нашей страны, в том числе развитие плодоовощной продукции и виноградарство, являющихся основными отраслями сельского хозяйства, статистические наблюдения и экономико-статистический анализ процессов их развития, основные аспекты плодоовощного производства в области проблем сельского хозяйства и пути их преодоления.

Ключевые слова: валовой региональный продукт, продукция сельского хозяйства, фермерство, животноводство, структурные изменения, инвестиции, региональная экономика, диверсификация, аграрные реформы.

PRODUCTION AND DEVELOPMENT OF PLANT PRODUCTS IN REGIONAL AGRICULTURE

Anarmatov Jasurbek Jandarbekovich

Independent researcher of the

National University of Uzbekistan

Annotation. In this article, food security and its uninterrupted provision in the regions of our country, including the development of fruit and vegetable products and viticulture, which are the main sectors of agriculture, statistical observations and economic and statistical analysis of their development processes, the main aspects of fruit and vegetable production in the field of agricultural problems are described. and ways to overcome them.

Key words: gross regional product, agricultural products, farming, animal husbandry, structural changes, investment, regional economy, diversification, agrarian reforms.

Кириш. Ҳозирги кунда юртимизда қишлоқ хўжалиги тармоғида чуқур иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш бўйича бир қатор муҳим саналган ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида[1] ҳам аграр соҳада тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва диверсификациялашни кўллаб-куватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Фермер хўжалиги фаолиятини юритиш ва уни олиб бориш тўғрисидаги меъёрий-ҳукуқий хужжатлар Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуни ва бошқа қонуности хужжатларидан иборат.

Юртимизда ўсимликларининг ривожланиши аҳоли талабини қондириш билан бирга, ушбу тармоқнинг экспорт таркибидаги улуши ҳам ортиб боришига замин яратиб, охирги вақтларда ушбу фаолиятга мослашган дехқон хўжалиги фаолиятини янада ривожлантириш ва уларнинг фаолиятига етарли да-

ражада эътибор қаратиш ва рағбатлантириш ҳукуматимиз диққат марказидаги масалалардан бири бўлиб келмоқда. Ушбу фикрларимизнинг амалий намунаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги 2022-2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонида «аграр соҳани илмий асосда интенсив тараққий эттириш, жойларда тупроқ унумдорлигини ошириш ва юқори ҳосилдорлик даражасини таъминлаш, илм-фан ва инновацион тараққиётга асосланган агрохизмат турларини кўпайтириш ва сифатини янада ошириш, улар фаолиятини такомиллаштириш, агросаноат тармоқларида фаолият юритаётган фирмаларнинг реализация ҳажмини 1,5 баробарга ошириш, агрологистик марказларни ривожлантириш, замонавий лабораториялар сонини кўпайтириш, уруғчилик ва кўчат етиштириш бўйича миллый дастурни амалга ошириш, халқаро қишлоқ хўжалиги университетини ташкил этиш, соҳада илм-фан ва амалиёт интеграциясини чуқурлаштириш»[2] каби вазифалар белгилаб берилган.

Пандемия ва кутилмаган ноқулай иқтисодий шароитларда аҳоли талабини етарли даражада қондириш имкониятини кенгайтириш борасида соҳада яна кўплаб илмий изланишлар олиб борилиши зарурати ушбу соҳанинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан долзарб аҳамиятга эга эканлигини англатади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сотиш бозорларини ривожлантириш муаммолари МДҲ мамлакатлари олимларидан И.А.Баранов, М.А.Соломахин, Н.А.Попов, Л.В.Агаркова, А.В.Афанасьева, Н.И.Греков ва бошқалар томонидан илмий тадқиқ этилган. Қишлоқ хўжалигини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва рентабеллигини оширишнинг назарий-услубий масалалари, фермер хўжаликлари фаолиятининг масалалари хорижлик олимлардан С.Шиона, С.С.Шеной, Л.Чжоу, Л.Цфу, Ц.Фан, Ж.М.Шурбах томонидан тадқиқ қилинган.

Юртимиз иқтисодчи олимларидан Б.Утанов ўзининг “Кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятининг самарадорлигини ифодаловчи интеграл кўрсаткичлар” [23] мавзусидаги илмий мақоласида республикамида кўп укладли фермер хўжаликлари фаолиятини ифодаловчи ва уларни иқтисодий аниқловчи интеграл кўрсаткичлар тизими илмий асосланган ҳолда баён этилган.

Т.Шодиев [6] қишлоқ хўжалиги тармоғини ривожлантиришнинг эконометрик моделларини назарий ва амалий жиҳатдан, Д.Пармакли [7] қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг ўзига хос жиҳатлари ва қонуниятларини назарий жиҳатдан ўрганган бўлса, В.Сомов алоҳида ҳудудий бирлик – қишлоқ хўжалиги ривожланишини иқтисодий-статистик жиҳатдан таҳлил қилган [8].

Шунингдек, мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш соҳасини ривожлантиришнинг иқтисодий муаммолари агроиктисодчи олим А.В.Чаянов томонидан ўрганилган бўлиб, унда кооперациянинг иқтисодий моҳияти мустақил равишда ўз фаолиятини бирлаштирувчи турли хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий манфаатлари сифатида таърифланиди [9].

И.Н.Буздалов эса ўз тадқиқотларида мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш кооперацияларининг шахсий, жамоа ва ижтимоий манфаатларини умумлаштиради. Бунда алоҳида инсонларнинг ижодий меҳнатини рағбатлантириш, инсоннинг ижтимоий кафолати билан бирга, социал ҳимоясини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади[10].

Кучли рақобат ва иқтисодий шаффоффик таъминланган ҳозирги кунда турли мулччилик ва хўжалик юритиш шакллари фаолиятига баҳо якуний рентабеллик даражаси билан белгиланади. Шу сабабли ушбу иқтисодий категорияларнинг ўхшаш ва фарқли томонлари ва улар фаолиятининг молиявий самарадорлигини баҳолашдаги ролини аниқлаб олиш зарур.

Стратегик режалаштиришнинг агрозиқ-овқат комплекси ва бевосита қишлоқ хўжалигига нисбатан назарий, услугий ва амалий жиҳатларни Ў.П.Умрзоқов[24]нинг илмий изланишларидан кўришимиз мумкин бўлади. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш муаммолари бўйича кўплаб тадқиқотлар мавжудлигига қарамай, маҳсулотлар турлари бўйича стратегик режалаштириш тизимини ташкил этиш, унинг назарий, услугий ва ахборот-таҳлилий таъминотини ишлаб чиқиш, минтақавий даражада режалаштириш ва ҳисоб-китобларни такомиллаштириш усуллари ўзгарувчан операцион муҳитда қўшимча ишлаб чиқиш ва янгилашни талаб қиласади.

Тадқиқот методологияси. Ушбу тадқиқот ишининг обьекти бўлиб, республикализ ҳудудларида ва хусусан, Тошкент вилоятида ўсимлик маҳсулотлари етиштириш фао-

лияти билан шуғулланувчи деҳқон ва фермер хўжаликлари танланган.

Тадқиқотни ўтказишдан мақсад юртимизда ўсимлик маҳсулотлари етиштириш, уларда содир бўлаётган иқтисодий ўзгаришлар ва тенденцияларнинг асосий жиҳатларини статистик усуслар ёрдамида чуқур таҳлиллар ўтказиш, унинг макроиқтисодий даражада таъсирини статистик баҳолаш ҳамда келгуси даврларга асосий йўналишларини белгилаб олиш учун зарур бўлган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги тармоғи ва унинг соҳаларини ривожлантириш ва рентабеллигини оширишга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Бу борада бир қатор қонунлар, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва бошқа соҳани ривожлантиришга оид меъёрий-хукуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатиб келмоқда [16, 20].

Юртимизда қишлоқ хўжалиги тармоғида кўп укладли фермер хўжаликлари фаолиятини такомиллаштиришдан энг асосий мақсад соҳада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмини ошириш билан бир қаторда кўп тармоқли иқтисодий ривожланиш шароитида мавжуд иқтисодий ва табиий ресурслар бўлган ишлаб чиқариш воситалари, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш орқали нарх воситасида рақобатлашишни кўзлаган ҳолда, маҳсулот таннархини камайтириш ва соғ фойда миқдорини кўтариш билан қишлоқ хўжалиги тармоғида фаолият юритаётган субъектлар фаолиятининг рентабеллик кўрсаткичларини ошириш ҳисобланади.

Самарадорлик кўрсаткичи эса мураккаб иқтисодий категория ҳисобланади ва у турли иқтисодий қонуниятлар ва турли факторлар натижасида ишлаб чиқариш фаолиятининг асосини англатувчи пировард натижаларда ўз ифодасини топади.

Барча корхоналарда кузатилгани каби ўсимлик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган қишлоқ хўжалиги субъектларининг ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичлари ҳам натура ва қиймат кўринишида бўлиб, иқтисодий самарадорликнинг натура кўрсаткичлари орқали ушбу субъектларнинг иқтисодий самарадорлиги ва ишлаб чиқариш жараёнининг самарали ташкил қилинганлигига тўлиқ баҳо бериб бўлмайди. Шу сабабли ўсимлик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаш-

ган деҳқон-фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолаш тизимида иқтисодий ва натура кўрсаткичларини қуидагича туркумлаштириш мақсадга мувофиқ (1-расм).

Ушбу тармоқда фаолият олиб борувчи иқтисодий субъектлар барча турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланади. Аммо услубий хатоликни келтириб чиқаришининг олдини олиш мақсадида турли хил маҳсулотларни натура кўрсаткичидаги ҳисобланган ялпи ҳосил билан солиштириб бўлмайди.

Турли хилдаги тайёр маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш жараёнига умумий баҳо бериш, шунингдек, ҳар бир турдаги маҳсулот етиштириш учун қилинган сарф-харажатнинг салбий ва ижобий натижага беришини баҳолаш иқтисодий самарадорликнинг қиймат кўрсаткичлари орқали амалга оширилади.

Назарий-услубий жиҳатдан алоҳида қишлоқ хўжалиги фаолияти субъектлари учун рентабеллигини, пировардида ишлаб чиқариш рентабеллигини микроиқтисодий даражада аниқлаш тегишли иқтисодий-ишлаб чиқариш кўрсаткичлари иштирокида қуидаги кетма-кетлик асосида амалга ошириш мумкин, яъни ўсимлик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган иқтисодий субъектларда бир ишлаб чиқариш йилида етиштирилган тайёр маҳсулот ҳажмини Q ва нархини (\bar{U} згармас) P деб белгилаб олсак, уларнинг кўпайтмаси фермер хўжалигининг ялпи маҳсулот қиймати (TR)ни ифода этади ва унинг формуласи $TR = P \times Q$ кўринишга эга бўлади.

Фермер хўжалигининг ялпи даромади ($ЯД$)ни ялпи маҳсулот қиймати (TR)дан ишлаб чиқариш жараёнида ўз қийматини эксплуатация муддатларидан келиб чиқсан ҳолда олинган маҳсулотга ўтказган асосий ишлаб чиқариш воситалари (амортизация) ва моддий айланма восита (минерал ўғит, ёқилғимойлаш материаллари, уруғлик ва ш.к.)ларининг жами қиймати (C)ни айириб топилади ва у қуидаги формула бўйича ҳисобланади, яъни:

$$ЯД = TR - C \quad (1)$$

Маълумки, ялпи даромаднинг таркибий элементларини иш ҳақи фонди ($ИХФ$) ва соғ фойда ($КФ$) ташкил қилади. Шундай экан, фермер хўжалигининг соғ фойдаси ялпи даромад ($ЯД$)дан иш ҳақи фондини ($ИХФ$)ни чегириш орқали топилади ва уни ҳисоблаш $КФ = ЯД - ИХФ$ формуласи орқали амалга оширилади.

Фермер хўжалиги иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари



1-расм. Ўсимлик маҳсулотлари етиширишга ихтисослашган фермер хўжаликларининг иқтисодий самарадорлигини баҳоловчи кўрсаткичлар тизими

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ушбу соҳада етиширилган маҳсулотга жами сарфланган асосий, шунингдек, моддий айланма воситалари қиймати ва иш ҳақи фондининг йиғиндиси умумишлиб чиқариш харажатлари (ИЧХ), ушбу харажатни етиширилган маҳсулотга бўлиб, таннарх (Т)ни ифодайди. Услубий жиҳатдан ўсимликчиликка ихтисослашган фермер хўжалигининг соф фойдасини қўйидаги КФ = TR - C - ИХФ формула билан ҳисоблаш мумкин.

Агар товар нархи (P) таннарх (T)дан катта бўлса ($P > T$), хўжалик соф фойда олади ва маълум даражада рентабелликка эга бўлади. $P=T$ ҳолатда эса хўжалик фойда ҳам олмайди, зарар ҳам кўрмайди, яъни у зарарсиз ишлайди ва фойдага ҳам эришмайди. Агар $P < T$ бўлса, хўжалик зарар билан ишлаб, фойдалилик (зараарлилик) даражаси манфий бўлади.

Рентабеллик даражаси (РД)ни қўйидаги икки усул билан ҳисоблаш мумкин:

- РД = $(TR : ИЧХ) \times 100$, яъни олинган соф фойда (TR)ни жами ишлаб чиқариш харажат-

лари (ИЧХ)га бўлиш;

- $PD = P : T$, яъни алоҳида маҳсулот тури бўйича маҳсулот нархи (P)ни таннарх (T)га бўлиш формуласи билан ҳисоблаш мумкин.

Ўсимлик етиширишга ихтисослашган қишлоқ хўжалиги тармоғидаги субъектларнинг маълум даврда эришган даромади (тушумлари) жами сотилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматларни уларнинг амалдаги нархларига кўпайтириб топилади ва буни қўйидаги формула ёрдамида ҳисоблаш тавсия этилади:

$$PD = SM \times MB \quad (2)$$

бунда: PD – пул тушуми даромади (сўмда); SM – сотилган маҳсулотлар, хизматлар миқдори (тонна, центнер, кг); MB – сотилган маҳсулот ва хизматларнинг нархлари, тарифлари (сўмда).

Ўсимлик маҳсулотлари етиширишга ихтисослашган фаолият субъектларининг ялпи даромади ёки янгидан яратилган қиймат суммасини, қўйидаги формула ёрдамида, ялпи

маҳсулот қийматидан ишлатилган асосий воситаларнинг амортизация суммасини (С) айриб ҳисобланади:

$$(C + V + M) - C = V + M \quad (3)$$

Демак, $V+M$ – фермер хўжалигининг ялпи даромади ҳисобланади. Бунда: C – асосий воситаларнинг амортизацияси суммаси (сўмда), V – иш ҳақи фонди (сўмда), M – қўшимча қиймат (сўмда).

Куйидаги формула ёрдамида эса ўсимлик маҳсулотлари етиширишга ихтисослашган иқтисодий субъектларнинг ялпи фойдаси маҳсулот сотиш (хизмат кўрсатиш)дан пул тушумларидан сарфланган харажатларни чегириб ҳисобланади:

$$YF = SD - ST \quad (4)$$

бунда: YF – ялпи фойда, сўмда; SD – маҳсулот (иш, хизмат)дан тушган тушум, сўмда; ST – сарфланган ишлаб чиқариш харажатлари, сўмда.

Фаолият соф фойдасини ялпи фойдадан давр харажатлари, кўзда тутилмаган харажатлар, молиявий харажатлар суммасини чегириш орқали ҳисобланади:

$$SF = YF - (DX + MX + KX) \quad (5)$$

бунда: SF – соф фойда суммаси; DX – давр харажатлари, сўмда; MX – молиявий харажатлар суммаси, сўмда; KX – кўзда тутилмаган ҳолатлар учун тасодифий харажатлар, сўмда.

Фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш жараёнининг рентабеллик (фойдалилик) даражасини соф фойда суммасини маҳсулот таннархи ёки ишлаб чиқариш харажатлари суммасига бўлиш ва натижани 100 %га кўпайтириш орқали аниқлаш мумкин:

$$RD = \frac{SF}{ST} * 100\% \quad (6)$$

бунда: RD – рентабеллик (фойдалилик) даражаси, фоизда.

Фермер хўжаликларида маҳсулот етиширишда сарфланган барча харажатларнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$JV = \frac{SF}{IV}, \quad (7)$$

бунда: JV – фермер хўжалигининг бир йилдаги жами харажатлари, сўмда.

Фермер хўжалигининг фаолият умумий иқтисодий самарадорлиги ишлаб чиқаришда қатнашадиган ерларнинг қишлоқ хўжалиги ерлари қийматини аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган услубий қўлланма ёрдамида аниқланган қиймати бўйича ҳамда асосий воситаларнинг тўла қийматларини ҳисобга олган ҳолда рентабеллик меъёри ҳисобланади:

$$RD = \frac{SF}{AiF + (AsF * FK) + EK} * 100 \% \quad (8)$$

бунда: RD – рентабеллик меъёри, фоизда; AiF – айланма фондларнинг ўртача йиллик қиймати, сўмда; AsF – асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати, сўмда; EK – асосий фондларнинг иқтисодий самарадорлик коэффициенти (0,12); EK – ернинг қиймати, сўмда.

Ушбу кўрсаткич ёрдамида ўсимликчиликка ихтисослашган фермер хўжалигининг ихтиёридаги барча ишлаб чиқариш ресурсларидан иқтисодий жиҳатдан самарали фойдаланганлик даражаси аниқланади.

Ўсимликчиликка ихтисослашган фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлик даражасига бир қанча омиллар таъсир этади. Соҳанинг фойда суммаси ҳамда рентабеллиги ортишига асосий маҳсулотларни ишлаб чиқариб, сотиши натижасида эришилган ютуқлар катта таъсир кўрсатмоқда.

Ўсимликчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг бугунги кунда рақобатбардош фаолият юритишлиарини таъминлаш учун:

фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш ва ташкилий-иктисодий фаолиятини баҳоловчи самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиб бориши асосида тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;

фермер хўжаликларининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ва оширишда қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари, яъни биологик жараён ва табиий иқлим, шунингдек, демографик шароитларига асосий омил сифатида қараб, уларни ихтисослаштириш ва ийриклаштириш, ислоҳотларнинг кейинги босқичларида эса кооперация субъектларига жалб қилиш тадбирларини амалиётга киритиш истиқболли ва самарали йўналишлар сифатида ҳал этилиши лозим.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридаги таҳлиллардан шундай хулоса қилиш мумкинки, Тошкент вилояти бўйича қишлоқ хўжалиги тармоғининг умумлашган кўрсаткичларидаги ўзгаришлар ҳолатини акс эттиrsa-да, бу кўрсаткичлар таҳлили тармоқнинг вилоят ҳудудлари, қишлоқ хўжалиги тармоғи соҳалари ҳамда корхоналари кесимида юз бераётган ўзгаришлар хусусиятларини аниқ тавсифлаб бера олмайди. Шуни ҳисобга олган ҳолда, тадқиқотда вилоят ҳудудий қишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳолатини аниқлашда вилоятнинг шаҳар ва туманлари, тармоқнинг дехончилик ва чорвачилик соҳалари ҳамда асосий корхона шакллари бўйича таҳлиллар амалга оширилди. Юқоридагиларни инобатга олиб, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги тармоғи субъектларининг фаолиятини янада та-

комиллаштириш ва рентабеллигини ошириш борасида қуидагилар таклиф сифатида ишлаб чиқилди:

мазкур тармоқ бўйича барча маълумотлар ҳисобини юритиш услубиётини қуидаги асосий вазифаларини амалга ошириш орқали такомиллаштириш зарур: тармоқ фаолияти устидан ёппасига, танланма, анкета орқали, монографик кузатишларни амалга ошириш лойиҳасини ишлаб чиқиши;

юртимизда ушбу тармоқда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини асосий кўрсаткичлари бўйича турли иқтисодий усулларда (иктисодий индекслар, корреляцион-регрессион таҳлил ва шу кабилар) қиёсий таҳлил қилиш;

фаолият кўрсаткичларини вақтли қаторларда моделлаштириш ва уларни ўрта муддатли прогноз қилиш лозим бўлади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли фармони. <https://lex.uz/>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармони. <https://lex.uz/>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги ПҚ-3165-сонли “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
5. Утанов Б. Кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятининг самарадорлигини ифодаловчи интеграл кўрсаткичлар. // “Ўзбекистон статистика ахборотномаси” илмий-электрон журнали, 2019 йил, 1-сон.
6. Шадиев Т.Ш. Экономические модели развития сельского хозяйства. – Т.: Фан, 1986. – 168 с.
7. Пармакли Д.М. Экономика сельского хозяйства. Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. // Д.М.Пармакли, А.Е.Шамин, Н.Коваленко. / – Княгинино: НГИЭУ, 2015. – 245 с.
8. Сомов В.Л. Экономико-статистический анализ развития сельского хозяйства Саратовской области. // Вопросы статистики, 2019, Т. 26, № 6. С. 47-54.
9. Чаянов.А.В. Основные идеи и формы организации сельскохозяйственной кооперации. – М., 1927. – 357 с.
10. Ли М.Р., Муродов Ш.М. Мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш самарадорлигининг ҳозирги ҳолати: муаммо ва уларнинг ечими. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий-электрон журнали. З-сон, май-июнь, 2017 йил.
11. Умурзоқов Ў.П. ва бошқалар. Фермер хўжалиги иқтисодиёти. – Т.: Iqtisod-moliya, 2008. 87-89-б.



AGROKLASTER TIZIMINI OPTIMALLASHTIRISH USULLARI: NOANIQLIKNI ALGORITM VA MODEL YORDAMIDA MINIMALLASHTIRISH

**Jo'rayer Farrux Do'stmirzayevich
iff.d., Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti
dotsenti**

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss6/a48

Annotatsiya. Maqolada agroklaster tizimining qishloq xo'jaligini rivojlantirishdagi ahamiyati, agroklaster tizimini optimallashtirish zaruriyati va muammolari bayon qilingan. Agroklaster tizimini optimallashtirishda ekonometrik modellashtirishning hal qiluvchi roli qo'yilgan masalani yechish jarayonida asosolab berilgan. Agroklaster tizimini optimallashtirishda bir qancha muammolar tizimli tadqiq etilgan, xususan, optimallashtirish usullari bilan bog'liq muammoning yuzaga chiqish sabablari modellashtirish murakkabligini yechish masalasi bilan bog'liqlik hosil qilganda, tizimli yondashuv ahamiyati keltirib o'tilgan. Mintaqadagi agroklasterlar faoliyatini kuzatish davriyligining qisqaligi sababli kelib chiquvchi hududiy farqlanuvchi muayyan bir turdag'i ko'rsatkich bo'yicha ta'sir omillarining ko'pxilligi hamda axborot ta'minotidagi uzilishlar asosida kuchaygan noaniqlik sharoitida agroklaster tizimini optimallashtirish modellarini ishlab chiqish usullarini takomillashtirish zarurati asoslangan va uni amalga oshirish mexanizmi ko'rib chiqilgan. Mazkur holatda fazoviy ma'lumotlar matritsasini shakllantirish algortmi, ishlab chiqilgan optimallashtirishning ekonometrik modellari asosida iqtisodiy jarayon mohiyati tushuntirilgan.

Kalit so'zlar: agroklaster, qishloq xo'jaligi, klasterlashtirilgan tizim, ekonometrik model, optimallashtirish, modellashtirish, fazoviy ekonometrika, fazoviy ma'lumotlar, taqsimot algortmi.